
Муруват уйида яшовчилар соғломлаштириш ва маданий-маърифий тадбирлардан завқ олдилар

Ўзбекистон туманидаги Қудаш “Муруват” ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйида яшовчилар соғломлаштириш ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Тумандаги спорт мактаби билан ҳамкорликда ташкилланган тадбир доирасида дастлаб, Муруват уйи ходимлари ва яшовчилар спортчи ёшлар ҳамда мураббийлар билан биргаликда соғломлаштириш машғулотларида иштирок этдилар.

Шу куни маданий-маърифий кеча ҳам бўлиб ўтди. Ундаги спортчи ёшларнинг кўргазмали чиқишлари, шунингдек, куй-қўшиқлардан иборат бадиий дастур намойиши барчага завқ-шавқ улашди.

2024-10-24 09:55:41